

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 80 (10.133)

2004 ЙИЛ 27 АПРЕЛЬ



Маҳаллий хом ашё — пахта толасидан тайёрланган ип-калава асосида тўқилиб, ундан тикилаётган турли хил маҳсулотлар сифатини таъминлашда «Хамкортекстиль» хусусий корхонаси тадбиркорларининг изланишлари самара бермоқда.

СУРАТДА: тўқувчи Жаннат Мадарбекова тўқув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқаради. Хакимжон Солихов олган сурат.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сўбатлар

● **ХАМЗА** туманидаги харбий қисмда армияни ислоҳ қилиш борасидаги ишларнинг аҳамиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **«АВИАСОЗЛАР»** спорт саройида маҳаллаларда истиқомат қилаётган чаққон, эңчил ёшлар иштирокида

спортнинг 5 хил тури бўйича мусобақалар уюштирилди.

● **БУГУН** Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорликларида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусидаги курик-танловнинг шаҳар босқичи якунига етди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Олмасор» маҳалласида Фидокорлар миллий-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги фракцияси

аъзолари билан маҳалла фаоллари иштирокида учрашув ташкил этилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси ҳамда «Интерньюс-Ўзбекистон» ҳамкорлигида «Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда электрон ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

АҲДЛАШУВЛАР САМАРАСИ

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш: тажриба ва натижалар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ҳамда Россия ишбилармон доиралари, банк ва кредит муассасалари, хўжалик масалалари бўйича суд органлари вакиллари, корхона ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Мақсур анжуман Ўзбекистон ва Россия президентларининг ўтган йил августда Самарқандда ҳамда шу йил апрель ойида Москвада ўтган учрашувларида эришилган аҳдлашувлар самараси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Россияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, соҳага оид қонунийлик базасини янада такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларига кичик ва ўрта бизнес вакиллари янада кенгроқ жалб этиш, ишбилармонларнинг

ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкнинг бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Х.Исломхўжаев мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, соҳа вакиллари билан ўрта бизнесни ривожлантиришга оид етмишдан ортиқ қонун, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинган бунинг ёрқин далили-

дир. Яратилаётган ана шундай қулай шароитлар боис 2004 йилнинг биринчи чорагида кичик ва ўрта бизнеснинг миллий ялли ички маҳсулотдаги улуши 31,6 фоизга етди. Айни пайтда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар сони 6 миллион кишини ташкил этади.

Ҳозир Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар иштирокида тузилган бир юз олтимишдан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда эса россиялик бизнесменлар иштирокида 328 қўшма корхона рўйхатга олинган.

Анжуман иштирокчилари эришилган натижаларни янада муスタҳкамлаш ва фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш борасида қилиниши мумкин бўлган амалий ишлар борасида фикрлашди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясидаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўртасидаги минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришга оид меморандум қабул қилинди.

Конференцияда Россиянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ҳ.У.Фуломов /Ҳамид Фулом/ни «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Убайдуллаевич Фуломов /Ҳамид Фулом/ «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 апрель

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 2004 йил 29 апрель куни эрта соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлис залида очилади.

Ўзбекистон Республи- каси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партиялар- нинг Олий Мажлис депутатлари фракция- лари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисида 27 апрель куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлис залида 27 апрель куни соат 16.00 да бўлади.

Олий Мажлисида 28 апрель куни соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

XXI саҳоси

Барча маълумотлар
олingan сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

● Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якуновчи йиғилиши бўлиб ўтди.

● Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши жорий йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари, иқтисодий эркинлаштиришнинг асосий йўналишларини амалга оширишнинг боришига бағишланди.

● Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 15 минг АҚШ доллари қийматидаги қадимий япон қозғонини ишлаб чиқарувчи маҳсул ускунани Самарқанддаги «Мерос» марказига ҳадя қилди.

● Андижон вилояти, Олтинқўл тумани, Қўштепа қишлоғида иш бошлаган «Кўшоштекс» Ўзбекистон-Қирғизистон қўшма корхонасига технологик линиялар ўрнатилга бошланди. Корхонанинг ишга туширилиши туфайли 400 дан ортиқ қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланади.

● Бухоро вилояти, Жондор туманининг Қуйи Луқмон қишлоғида 36-мактабга «Наврўз бобо», «Абдулла бобо», «Ибн Зийёд», «Фатулла Жўра» каби фермер хўжаликлари 200 минг сўмлик спорт жиҳозлари, фугбол, волейбол, баскетбол тўплави, шахмат-шашка, спорт кийимлари олиб беришди.

Жаҳонда

● Шу йил 1 майдан Европа Иттифокнинг аъзолари яна 10 тага кўпаяди ва улар сони 25 тага етади. Аъзо бўлажак 10 та давлатда ҳозир тайёргарлик жараёни, айниқса, Европа Иттифоқи қонуларини ҳар бир давлат ўз аҳолисига тушунарли бўлиши учун она тилига ўғиратиш ишлари қизғин кетмоқда.

● Ҳозирда Европа Иттифоқи раислик қилаётган Ирландия Испаниянинг собиқ молия вазири Родригес Рато номзодини халқаро валюта жағрамаси раҳбари лавозимига илгари сурди.

● АҚШ мазмурулари Перу-нинг Аено-Сонтиненте авиакомпанияси самолётларига Американи Қўшма Штатлари ҳаво бўшлиғидан ўтишни тақиқлашди.

● Расмий Вашингтон бундан 18 йил муқаддам Ливинга нисбатан белгиланган санкцияларнинг бир қисми беқор қилинганлигини билдирди.

● Москвада «Вена бали» кечаси уюштирилди. Ушбу тадбир учун Венадан машҳур скрипка устаси Антонио Страдивари тайёрлаган қиймати 5 миллион долларлик мусиқа асбоби келтирилди.

Иқтисодий

КАЙФИЯТИНГИЗНИ КЎТАРАДИ

Ҳозирда ҳаётимизни рекламаларсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва компаниялар фаолиятини ижтимоий ҳаётга кенгроқ тарғиб этишда рекламанинг аҳамияти катта. Шу ўринда рекламани ахборот берувчи манба десак хато қилмаган бўламиз.

Шаҳримизнинг қайси кўча ва хиёбониди бўлманг, кўзингиз беихтиёр рекламаларга тушади. Ажойиб ранг ва гўзал услубдаги ҳар қандай реклама плакатлари фақат сизга ахборот бериб қолмай, балки кайфиятингизни ҳам кўтариши табиий. Айни жазирама иссиқ кунларда кўча бўйида ўрнатилган чанқовбосди ичимликлар рекламасини кўриб қайсидаир маънода баҳра олишингиз мумкин. «Артгун» масулияти чекланган жамияти ана шундай рекламаларни тайёрлаётган корхоналардан ҳисобланади.

Асосан 1995 йилдан фаолият бошлаган бу жамиятда дастлаб кам сонли жамоа иш билан таъминланган эди. Кейинчалик корхонага Американинг «Вютекс» компаниясидан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди ва шунга кўра иш жараёни ҳам бир неча баробарга ошди.

— Рангли, расмли, босма рекламалар дизайнини яратишда ходимларимизга чет эл технологиялари жуда қўл келмоқда, — дейди жамоа раҳбари Аҳмаджон Содиков. — Аммо баъзи реклама плакатлари қўл меҳнатини талаб қилади ва улар тўлалигича реклама қўлда чизиб тайёрланади, бунда эса ходимларимизнинг маҳоратларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Айни пайтгача корхона жамоаси «Ўздунробита», «Нестле», «Ўзтелеком», «Бритиш Американо Табако Ўзбекистон» компаниялари ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ташқи рекламаларини яратганлар.

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

Йилига 600 минг квадрат сопол плиткалар ишлаб чиқариб, республикамиз ички бозорини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшаётган «Агротерма» Ўзбек-Италия қўшма корхонасининг буюртмачилари сони ошиб бормоқда.

Ҳар икки томон маблағи эвазига ривожланган корхонада айни пайтда 12 рангдаги плитканинг 2 хили ишлаб чиқарилмоқда. Корхона цехларига Италиядан олиб келиб ўрнатилган барча технологиялар компьютерлаштирилган бўлиб, бу маҳсулот сифатини таъминлашда ходимларга қўл келади.

— Иш жараёни икки сменада олиб борилади, — дейди корхона раҳбари Темур Аҳмедов. — Ишчи-ҳодимларимизнинг барчаси малакали мутахассислар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли ишни яхши билишади ва шунга кўра масъулият билан меҳнат қилишади.

Бугунги кунда тadbиркорлар тайёрлаётган маҳсулотлар ички бозоримизда ўзининг муносиб ўрнини топган ҳамда четга экспорт қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Орзугул РУСТАМОВА



Қурилиш майдонларида



ПАРДОЗЛАШ ЮМУШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Шаҳримизда қад ростлаётган муҳташам ва ҳашаматли бинолар орасида банкларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Бунёд этилаётган банк бинолари кўриниши, шаҳримиз кўчаларига мос пардозланиши, хизмат кўрсатишга қулайлиги билан эътиборингизни тортади. Шу кунларда пойтахтимизнинг Шаҳрисабз кўчасида яна бир ана шундай «Банк лэнд» ҳамда «Бизнес маркази» қад ростламоқда. Жаҳон андозларига жавоб берадиган даражадаги ушбу бино қурилишида «Мухандис» қурилиш фирмаси бунёдкорлари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Бугунги кунда қурилиш-тиклаш ишлари муваффақиятли амалга оширилиб, пардозлаш юмушлари ҳам бошлаб юборилди. Барча ишларни лойиҳага асосан кўнгилдагидек адо этишда сифатга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Фирмамиз бунёдкорлари ҳам мана шундай кўркам бинони бунёд этиб, шаҳримиз чиройини очишида маҳоратларини сарфлашди, —

дейди «Мухандис» қурилиш фирмаси пайвандчиси Шавкат Юсупов. — Ҳар бир касб эгаси ўз вазифасини бажарар экан сифатга, мустаҳкамликка эътибор қаратгани бино фойдаланишга топширилгач яққол кўзга ташланади. Мен ҳам қурилиш соҳасидаги 20 йиллик тажрибаларимни ишга солиб, ҳамкасбларим билан ҳамжихатликда зиммамдаги топшириқларни ўз вақтида адо этишга муваффақ бўлдим.

Ҳашаматли бино тез кунларда фойдаланишга топширилади. У албатта кўчага чирой, шаҳримизга кўркамлик бағишлаб, бунёдкорларнинг маҳоратини намоён этади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: пайвандчи Шавкат Юсупов ўз ишининг устаси саналади; иншоотнинг кўриниши.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» маҳалласида «Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш» га бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

— Анжуман Ўзбекистондаги «Российский деловой центр», Россия Федерациясининг худудларни ривожлантиришнинг тармоқларро уюшмаси MAPAT ассоциацияси, республика Давлат мулк қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентликлари ташаббуси билан ўтказилди. Анжуманни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда тўпланган тажрибалар алмашинувидан иборат, — деди давлат мулк қўмитаси раиси Маҳмуджон Асқаров «Туркистон-пресс» мухбирига. — Анжуманда кичик бизнес субъектларининг икки томонлама ҳудудий алоқаларини ривожлантиришга бағишланган ҳужжатни имзолашни кўзда тутмоқдамиз. Ушбу ҳужжат икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг 1998-2007 йилдаги келишувларига асосланади. Бундан ташқари, ҳамкорликдаги корхона субъектларига самарали ҳамкорлик учун услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Тadbирда Россиянинг MAPAT ассоциацияси билан биргаликда қатор банк ва кредит корхоналари, худудий маъмурият вакиллари ва Ўзбекистон томонидан эса Молия вазирлиги, «Ўзагроросаноат биржаси» ва банк ходимлари иштирок этишди. Tadbир қатнашчилари икки мамлакат иқтисодида хусусий секторнинг келгусидаги ўрни ва самарали ҳамкорлик натижаларини белгилаш мавзуларини муҳокама қилишди.

Дилрабо АБДУЛЛАЕВА, «Туркистон-пресс»

Мағбирлар

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг маънан етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишлари долзарб масалалардан бири эканлиги кундек равшан. Ёшларнинг бўш вақтлари сермазмун ўтишида, уларнинг диний экстремистик оқимларга қўшилиб кетишларининг олдини олишда аввало, маҳалланинг ўрни, аҳамияти беқиёс.

Кунги кеча Юнусобод туманида жойлашган Фуломмаҳмуд Абдуллаев номидаги 271-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Ёшлар маънавияти — келажагимиз пойдевори» мавзусида тadbир бўлиб ўтди. Ушбу тadbирда 271-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан ташқари «Кулолқўрғон» ҳамда «Шодлик» маҳаллаларида истиқомат қилаётган ёшлар ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирок этишди.

«Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлими ходими Раҳматилла Гойибназаров томонидан ашмар тарбиясида маҳалланинг аҳамияти ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар йиғилганлар эътиборини тортди.

— Ватан остонадан бошланади, деганларидек, маҳалла тарбия ўчоғидир, — деди жумладан, Р.Гойибназаров. — Шу боисдан ҳам маҳалла фаоллари ташаббуси билан жойларда ёшлар учун турли хил марказлар, тўғарақлар, маънавият масканлари ташкил этилса кўнгилдаги иш бўларди. Бу борада шаҳримизнинг кўпгина маҳаллаларида ҳаракатлар бошланган. Аммо, тан олиш керак, ҳали бу ишлар талаб даражасида эмас.

«Шодлик» маҳалласи оқсоқоли Мирҳамад Муҳамедов сўз олиб, ёшлар-

нинг бўш вақтларидан умумли фойдаланиш мақсадида маҳаллада бажарилаётган ишлар ва келгуси режаларга тўхталди. Унинг айтишича, ҳозирда маҳаллада кутубхона ташкил этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилган, маҳалла худудидан футбол майдони қуриш учун жой ажратилган. Насиб этса ҳомийлар ёрдамида унинг қурилиши бошлаб юборилади.

«Кулолқўрғон» маҳалласи оқсоқоли Рустам Эргашевнинг фикрича, бола тарбиясига нафақат ота-она, балки мактаб ҳам масъул, балки маҳалла ҳам бирдек жавобгар бўлмоғи керак. Шу боисдан ҳам «Кулолқўрғон» маҳалласида фаоллар ва ёшлар иштирокида тез-тез турли мавзуларда давра суҳбатлари уюштириб турилади. Айниқса, маҳалла фаолларининг ёшлар билан доимий фаолият олиб бораётганлиги самара бераптики, буни маҳаллада жиноятчилик ҳоллари йўқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Дарҳақиқат, келажагимиз ёшлар қўлида экан, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати га катталар беэътибор бўлмаслиги шарт ва зарур. Фикр-мулоҳаза, таклифга бой кечган тadbирда ёшлар томонидан баҳс-мунозара уюштирилди. Ва уларнинг саволлари га маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари жавоб беришди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

АКЦИЯДОРЛАР ЙИФИЛИШИ

Ўзсаноатқурилишбанк акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. У банкнинг ўтган йилдаги фаолияти ақунлари ва 2004 йилда ривожланишнинг асосий йўналишлари га бағишланди.

Таъкидландики, банк ўтган йили банк хизматлари бозорида эгаллаб турган мақоани мустаҳкамлади, ўз маблағини жадал шакллантиришга катта эътибор берди, ресурс базаси барқарорлаштирилиши ҳамда акциядорлар ва омонатчилар маблағлари ҳимоя қилинишини таъминлади. Жорий йил бошига келиб банкнинг жами капитали 34,8 миллиард сўмга етди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,6 миллиард сўмга кўпайди.

Миқозлар билан шериклик муносабатлари мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши, миқозлар базасининг кенгайтирилиши уларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг салмоқли ўсишига хизмат қилди. Ўтган йили банк миқозлардан жалб қилинган маблағлар ҳажмини оширишни давом эттирди.

Банкнинг устуворликларидан бири кичик бизнес ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялашдири. Ўтган йили шу мақсадда қарийб 13,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Умуман, ҳисобот даврида Ўзсаноатқурилишбанкнинг фаолияти муваффақиятли ва самарали бўлди.

ЎЗА

Таълим

МАЪНАВИЯТ — ҲАЁТ МЕЗОНИ

Маънавият тириклик мезони, ҳаёт гултожидир. Маънавияти бутун, маърифатли халқнинг бугуни ва эртаси ободдир.

Куни кеча Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Маънавият куни» бўлиб ўтди. Тадбирда республика «Маънавият ва маърифат» марказининг раиси Қуддус Аъзамов ушбу мавзу юзасидан сермазмун маъруза қилди. Муқимий номидаги мусиқали театр актёрлари ҳамда иқтидорли қизиқчи Шукрулла Исроиловлар ўзларининг кувнок чиқишлари, сахна кўринишлари, қизиқарли ҳангомалари билан кечанинг янада жонли ва жозибали чиқишига ҳисса қўшдилар.

Шунингдек, тадбир доирасида иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ва Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети талабалари ўзларининг илмий маърузалари билан чиқдилар. Шарқшунослик институти шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи факультетининг декан ўринбосари Жасур Зиёмухамедов ўз сўзида маънавият куни худди бир байрамдек ўтишини ва бу кун институт зарварақларига алоҳида қайд этилишини, барчанинг ўз маърифатини оширадиган куни эканлигини таъкидлаб ўтди.


МУНОЗАРАЛАР АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ҳам маънавият куни ўтказилди.

Кечада «Халқаро террорчилик инсоният душмани, цивилизация кушандаси» мавзусида сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, «Демократик маърифатли жамият қуришнинг назарий ва амалий жиҳатлари» мавзусида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раиси ўринбосари Султонмурод Олимов сўзга чиқдилар.

Шунингдек, мунозараларга бой тарзда ўтган кечада талаба-ёшлар ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнггида институт бадий ҳаваскорлик ва фольклор-этнографик жамоалари ижросида кувнок куй-қўшиқлар янграб йиғилганлар кўнглига илиқлик бағишлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Қизил Ярим Ой жамиятининг Юнусобод туман Кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг бу йилги туман босқичи ташкил этилди. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокидаги ушбу мусобақани кузатар экансиз, бехитёр ўқувчиларнинг йилдан-йилга билим савияси, мусобақа шартларини бажаришдаги маҳоратлари, тезкорликлари, саволларга аниқ ва лўнда жавоблари, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, вазиятни тўғри баҳолашдаги кўникмалари ошиб бораётганининг шохиди бўласиз. Демак мактаблардаги шифокор ва ўқитувчиларнинг берган билимлари исзис кетмаган, махсус дастур асосида ўқитилаётган кўнгилчилар ўз мақсад-вазифаларини пухтароқ англаб етмоқдалар.

— Кўнгилчилар бизнинг мактабдаги энг яқин ёрдамчимиз, — дейди 265-мактаб ҳамшираси Зухра Содиқова. — Улар ўқувчиларнинг тоза-озода юришлари, санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари, бирон воқеа содир бўлса биринчи бўлиб ёрдамга етиб боришлари билан ўз вазифаларини жуда яхши англаб етишларини кўрсатадилар.

— Бугунги мусобақада тумандаги 42 та

беллашадилар, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси мутахассиси, бош ҳакам Йўлдош Каримов. — Булар биринчи тиббий ёрдам, сафда туриш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, йўл ҳаракати қоидалари ва бадий йўналишлардир. Ўқувчиларнинг ушбу мусобақага жуда катта тайёргарлик кўрганлигининг ўзи кўнгилни кўтарди. Ҳар қандай ҳолатда инсонга кўрсатиладиган бегараз, беминнат ва керакли ёрдамни билишнинг ўзи жуда муҳим.

Қизил ва мурасис ўтган беллашувда 63-мактаб жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, шаҳар босқичига йўллангани қўлга киритди. Иккинчи ўринга 105 ва 150, учинчи ўринга эса

Мусобақалар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТАРИ

Бугунги кунда республикамизда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ҳақида билмаган, унинг беминнат кўмагини эшитмаган одам топилмаса керак. Ушбу жамият аҳолининг ночор, кўмакка, меҳр-мурувватга муҳтож қатламига бегараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Унинг шаҳар ва туман кенгашлари ҳам ушбу мақсад йўлида ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарвар, соғлом, ўзгаларга беминнат кўмак бера оладиган руҳда тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

мактаб сан-постчилар жамоаси 8 та йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси мутахассиси, бош ҳакам Йўлдош Каримов. — Булар биринчи тиббий ёрдам, сафда туриш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, йўл ҳаракати

97, 274, 21-мактаб жамоалари лойиқ деб топилди. Шунингдек деворий газеталар танловида 150-мактаб жамоаси голиб чиқди.

Мусобақа голиблари ва барча қатнашчилар Фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими бўлими, туман ҳудудий-тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши, туман маданият бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти туман Кенгаши томонидан юқори савияда ташкил қилинган ушбу мусобақадан иштирокчилар, мутахассислар ва меҳмонлар катта таассурот билан қайтидилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси Юнусобод туман босқичидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Анжуманлар

ЭКОФЕСТИВАЛЬ—2004

Бугунги кунда табиатимиз, саховатли заминимизни озода ва пок сақлаб, келгуси авлодларга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Чунки мана шу замин бизнинг ҳаётий эҳтиёжларимизни таъминлайпти, озиқ берапти.

Куни кеча «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида Бугунжаҳон Ер кунига бағишланган Экофестиваль бўлиб ўтди. Шунингдек, Ер кунини доирасидаги ҳаракат ўттиз йилдан бери давом этаётган бўлиб, у дунё бўйича ўз сафига мил-

лионлаб кишиларни бирлаштиради. Бу куни кўплаб ташкилотлар ўз минтақаларида ерни эъозлашга даъват этувчи тадбирлар ўтказадилар.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда «Экосан» халқаро жамғармаси ташаббуси билан республика жамоатчилигини Ер кунини нишонлашга жалб этиш йўлида фаол ҳаракат бошланди. Экофестивалда Ўзбекистон Респуб-



ликаси Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова ва бошқалар сўзга чиқиб саховатли она еримиз, гўзал, мусаффо табиатимизнинг халқимиз саломатлиги учун нақадар муҳимлиги, она ер умумий уйимиз эканлиги, уни эъозлаш, авайлаб-ардоқлаш барчамизнинг бурчимиз эканлиги, ёшлар қалбида она заминимизга, табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш кераклигини таъкидладилар.

Анжуман дастуридан «Саховатли Ер инъомлари» кўргазмаси, ер захираларидан самарали фойдаланган фермерларни тақдирлаш, шунингдек, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Кўшни-қўшнига» мурувват кунлари доирасида эълон қилинган «Энг мурувватли қўшни» республика кўрик-танлови голибларини тақдирлаш ўрин олди. Элимизнинг хушовоз хонандалари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар, жозибали рақслар фестивалга ўзгача файз киритди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: Экофестивалдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

• Хар кимнинг ичи болалар ногораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса халқум дарвозасини қиртишлайди.

• Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

Сўз айтсанг сен фақат фойдали сўз айт, Бу билан жой олгин элнинг дилидан. Бўлмаса сўзламай жим ўтир, чулки, Инсонга не келса келар тилидан.

• Қадимий Юнон ҳақимларининг айтишларича, кимки беақл ва ёнғил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳудда сочиш одам учун пуғур эканини билмайдилар.

• Форс донишмандларидан Барзув Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Хар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимамки вуҷудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгалар сирини очмасликда, ёмнат сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби очик юзлилик, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуглик сабаби тавозе.

• Анушервон бир кун Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

• Хормус ҳаким сўзларидан. У айтди:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилиқ тўқсинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаси, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на боти, на қаҳрамон, на подшоҳ, ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи дили бошқа-ю дили бошқа бўлмасин!

• Бузургмехр айтади:

— Билгинки, ҳаким ўз табиати билан куйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан кўрқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажақда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етишга олмаган нарса учун қайғу торғамаслик.

• Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Биринчи, куйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳақрат ва беҳафсалалиги, Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФИ

Дехлида Институтлар барпо этиш умумжаҳон дастури ҳамда Ҳиндистон университетлари конфедерацияси томонидан ташкил этилган олий таълим ва тараққиёт саммити бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда "Учинчи минг йиллик авлодларига профессионал таълим-тарбия бериш" ҳамда "XXI асрда олий таълим фаолиятининг қирралари" масалалари муҳокама этилди.

Жаҳон тинчлиги учун муаллимлар халқро уюшмаси раҳбари доктор Приян Ранжан Триведи тадбирни очар экан, инсоният келажаги янги минг йиллик авлодларига берилаётган таълим-тарбиянинг сифати билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади. У ўз нутқида мамлакатимиз мавзусига ҳам тўхталиб, олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида кўпгина соҳалар, жумладан, олий таълим тизимида та-

лабалар алмашиш амалиётида яхши ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганини қайд этди.

Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизими мавзусига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу соҳада рўй бераётган катта ижобий ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган "Истеъдод" жамғармасининг фаолиятига оид материаллар тақдирот иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси И.Мавлонов юртимизда олий таълим тизимида ўтказилган ислохотлар самараси ҳақида атрафлича сўзлаб берди.

Анжуман якунида Жаҳон тинчлиги учун муаллимлар халқро уюшмаси илмий қўмитаси ҳамда бошқарув хайъатининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов 2004 йилги Олий таълим ва тараққиёт бош муқофотида сазовор бўлган маълум қилинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур уюшма БМТ билан яқин ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатадиган нодавлат ташкилоти бўлиб, унинг бош қароргоҳи Алабамада (АҚШ), Жанубий Осиё қароргоҳи эса Дехлида жойлашган.

Икки кун давом этган мазкур халқаро тадбирда замонавий олий таълимнинг долзарб масалаларига бағишланган қатор маърузалар тингланди, улар юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

ЯПОНИЯДА

ҚЎШИҚЛАР КЎРИГИ

Қадимдан Япониянинг "ипак маркази" сифатида донг таратган Аннака шаҳрида бугунги кунда ҳам ўзига хос аъёнлар ва урф-одатлар сақланиб қолган. Бу ерда жойлашган ипакчилик музейи ҳамда соҳа тарихи билан боғлиқ қатор кўҳна иморатлар сайёҳлар эътиборини тортиб келмоқда.

Яқинда шаҳар расмийларининг ташаббуси билан бу ерда Ўзбекистонга бағишланган қўшиқлар кўриги бўлиб ўтди. Катта-кичик ёшдаги профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар Аннака маданият маркази биносининг концертлар зали сахнасига кўтарилиб, Ўзбекистоннинг бой тарихи, серкуёш ўлкамиз гўзаллиги ва халқимиз бағрикенглигини тарангун этувчи қўшиқларни ижро этишди.

Шу жойнинг ўзига Ўзбекистон ҳаётига оид фотолар, халқ хунармандчилиги ва амалий санъат асарлари кўргазмаси намойиш этилди. Тадбир иштирокчиларида, айниқса, миллий сўзана намуналари катта қизиқиш уйғотди.

— Мен шу ёшга кириб, бугун биринчи маротаба сўзанани кўриб турибман, — дейди қўшиқлар кўриги ва кўргазма иштирокчиларидан бири К.Оота. — Сўзанада ишлатилган ипак толаси, нақшлар шакли раанглр жозибаси шу қадар жонлики, кишини ўзига мафтун этмай

қўймайди. Шу боис бугун мен япон бастакорлари ўзбек ипаги ҳақида яратган янги қўшиқни ижро этдим.

Кўргазмада халқимизнинг пилла етиштириш аъёнлари, ипакчилик санъати ва тўқимачилик соҳаси билан боғлиқ қизиқарли экспонатлар намойиш этилди.

— Мен болалигимдан Ўзбекистон ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қилганман, — деб ўз фикрлари билан ўртоқлашди Аннака шаҳар мэри Ҳ.Накажима. — Умид қиламанки, бугунги каби маданий тадбирлар ва ранг-баранг кўргазмалар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшади.

Аннака шаҳри аҳли яқин келажақда Ўзбекистоннинг ипакчилик ривожланган шаҳарларидан бири билан биродарлик алоқаларини ўрнаттиш ҳамда ҳар йили баҳор ойларидан бирида "Ўзбекистон кунини"ни нишонлаш аъёнасини йўлга қўйиш ниятидалар.

GERMANYAGA

ИЖОДИЙ САФАР

Ҳар йили Германия академик алмашув хизмати (DAAD) ва Санъат намояндларини қўллаб-қувватлаш Берлин дастури томонидан дунёнинг турли мамлакатларининг маданият арбоблари, муסיқачилари, кино ва тасвирий санъат намояндларига махсус грантлар ажратилади.

52 номзод орасидан тан- Энди Саодат қизиқарли лаб олинди. ва учрашувларга бой олти

ойлик ижодий дастур билан Германияда бўлади. Мазкур сафар давомида ҳамюртимиз нафақат немис кино олами билан яқиндан танишиш, балки ўзбек кино санъатининг ўзига хос жозибаси ва бетакорлигини намойён этиш имконига ҳам эга бўлади.

"Жаҳон" ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди

БАНКИР БЎЛИШ ОРЗУСИДА

Ўзбекистон Банклари уюшмасида Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларининг ихтисослаштирилган банк синфлари аълочи ўқувчиларининг навбатдаги анжумани ўтказилди.

Банк тизимининг самарали ишлаши бевосита юқори малакали кадрларни тайёрлашга боғлиқдир. Шу мақсадда Ўзбекистон Банклари уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бирини — банк мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратган.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилдаги "Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ банк мутахассисларини тайёрлашнинг бошланғич босқичини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Банклари уюшмаси, республика Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда

мамлакатимизнинг энг илғор умумтаълим мактаблари асосида 39 та ихтисослаштирилган банк синфларини ташкил этган эди.

Ихтисослаштирилган банк синфларини ташкил этишдан мақсад, умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўсмирлар орасидан банк мутахассислигини ўрганишга ва эгаллашга қизиқиши бўлган қобилиятли, иқтидорли ўқувчиларни аниқлашдан иборат. Шунингдек, уларни банк иши, касб-хунарга йўналтириш ҳамда банк-молия соҳасидаги олий ва ўрта махсус ўқув ортла-рда ўқишларини давом эттиришга тайёрлашдир. Бугунги кунда республикамизнинг ихтисослаштирилган банк синфларида 2 минг 471 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Беш йил мобайнида эса 3 минг 749 на-

фар ўқувчи ушбу синфларни муваффақиятли тугатишди. 2003-04 ўқув йилида ихтисослаштирилган банк синфларига 1 минг 116 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон банклари уюшмаси, Ўзбек-турк банки "УТ-банк", Республика банк-молия академияси, Халқаро Вестминстер университети, Тошкент банк коллежининг раҳбар ва мутахассислари иштирок этишди. Улар банк синфлари ўқувчиларига банк касбининг қийинлиги, аммо қизиқарлилиги, республика банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, банк фаолияти, иқтисодиётдаги инвестицион жараёнлар, ўрта-махсус банк таълимнинг тизими, хорижий давлатлардаги таълим тизимлари ҳақида маълумотлар беришди.

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон банклари уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Алоудин ҒАФФОРОВ, "Туркпресс-пресс"

Мабассуи

НАФИ
ТЕГМАЙ
ҚОЛМАСОВ

Миллионер дунёдан кўз юмаётиб, жон талвасида тўлғонаркан тепасида турган руҳонийга илтижо қилди:

— Ҳазрат, тўғриси айтинг, шу топда мен сизга мерос тариқасида юз минг крон садақа ва сийат қилсам, жоним омон қолмасмикан, мабодо?

— Ажабмас. Буни синаб кўрмоқ лозим. Ҳар қалай садақанинг нафи тегмай қолмасов, бўтам.

КҮРИБ БҮПТИ

Қишлоқ дўхтири катта йўлда кушдек учуриб борарди машинасини.

— Сал секинроқ, — шипшиди хотини унга, — полиция кўриб қолади.

— Кўриб бўпти, тўшакдан турмай ётишни бағираман унга, — эри тагин қаттиқроқ босди газни.

СИРА
ТОҚАТИМ
ЙҶҚ

— Жаноб директор, сиз пан Горнийни нима сабабдан ишга қабул қилмадингиз? — қизиқиш сўради унинг муовини.

— Чунки у бир пайтлар менинг хотинимга уйланиб, дарров кўйиб юборган экан уни. Шунинг учун уни асло кечирмайман.

«ҚҮРҚИНЧЛИ»
ДҶҚ

Денгиз саёҳатида юрган кўҳликкина ёш жувон ўзига кундалик тутди.

«Биринчи кун. Кема. Роса жиҳозланган, ниҳоятда қулай. Ҳа айтгандай бу ердаги кишилар ичида энг келишган эркак — кема капитани. Бешинчи кун. Тавба, капитан хушомадга ўтди менга. Ўзиям жигаридан урибман чоғи, соядек кетимдан эргашиб қолди.

Олтинчи кун. Агар муҳаббатимни рад этсанг кемани фарқ қилвораман деб бирам даҳшат солди-эй...

Еттинчи кун. Хайрият, 370 нафар йўловчининг ҳаётини асраб қолдим».

ДҶСТНИНГ
ЎЗИ ЙҶҚ

— Дўстинг сендан илтимос қилса, душанбага-ча юз крон қарз бериб турармидинг унга?

— Албатта бериб турардим. Лекин менда ўшанақа дўстинг ўзи йҶҚ-ку.

Очқ Акциядорлик Жамияти «Синема Болливуд» шу ном билан Масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

Эътирозлар 157-23-32 телефон рақами орқали 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахслар учун эгасининг номи кўрсатилмайдиган депозит (омонат) сертификатларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- муомаладаги муддати 3 ва 6 ой бўлиб, йиллик даромади тегишли тартибда - 21 ва 24 фоиз
- сертификатлар - 25 000 ва 50 000 сўмлик

Миллий банкнинг депозит сертификатлари —
пулларингиз сақланиши ва даромадли бўлишига гаровдир!

Кўшимча маълумотлар учун куйидаги телефонлар
орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 134-14-14, 135-42-83
www.nbu.com

«Халқаро почта» АЖнинг 2003 йил учун
молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот

2002-2003 йилда «Халқаро почта» АЖ баланси:

2002 йил 2003 йил 2002 йил 2003 йил

АКТИВлар	424321	526363	ПАССИВлар	424321	526363
Асосий воситалар	271638	296063	Устав капитали	68361	68361
Шўба хўжалик жамиятларидаги акциялар	10242	10242	Кўшилган капитали Резерв капитал	137443	89461
Узоқ муддатли инвестициялар	280	1113	Тақсимланмаган фойда Макссадли молиялаштириш ва тушумлар	13416	17897
Ишлаб чиқариш захиралари	16794	27109	Узоқ муддатли қарзлар	64400	42600
Пул маблағлари	6473	33895	Кредиторлар	140701	125316
Келуси давр сарфлари	1273	243			
Валюта маблағлари	117622	975			
Киска муддатли молиявий кўйилма		2340			
Дебиторлар билан ҳисоблашувлар		154383			

2002-2003 йил молиявий натижалари

2002 йил 2003 йил

Махсулот (иш хизмат) сотишдан тушган тушум - 907728
1012862 минг сўм.
Кўшилган қиймат солиғи - 143859 169538 минг сўм.
Махсулот иш хизматни сотишдан олинган соф тушум - 763869 843324 минг сўм.
Сотилган махсулот (иш хизмат) ишлаб чиқариш таннархи - 675542 747551 минг сўм.
Махсулот (иш хизмат)ни сотишдан тушган ялпи фойда - 88327 95773 минг сўм.
Маъмурий харажатлар - 37429 49833 минг сўм.
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар - 79663 132425 минг сўм.
Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан харажатлар - 89139 12324 минг сўм.
Асосий фаолиятнинг фойдаси - 41422 55154 минг сўм.
Бошқа олинган дивидендлари - 259 559 минг сўм.
Бошқа тўланган ва олинган фоизлар - 2426 минг сўм.
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси - 41681 53287 минг сўм.
Даромад (фойда)дан солиқ - 27098 33834 минг сўм.
Юқори моддаларга кирмайдиган ажратмалар - 1167 1556 минг сўм.
Ҳисобот давридаги соф фойдаси - 13416 17897 минг сўм.

Бухгалтерлик баланси «Аломат аудит» МЧЖ Аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланди. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун 00139 сонли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 8-август куни берилган.

Посилкалар буйича тасдиқланган чиқиш айирбошлаш режалари 80 фоиз, ёзма хат-хабар 120 фоизни ташкил қилади. Жўнатма почталарини 2002 йил 2003 йил 02/03 ишлаб чиқиш ёзма хат-хабар 10126,6 10245,2 1,01
посилка 71,9 64,5 0,9
матбуот пачкалари ташилган т. дона 245,1 224,1 0,91
кенг габаритли почта жўнатмалари ташилгани т. кг 981,02

Аффилирланган шахслар рўйхати
Юридик шахслар

1. Давлат мулки кўмитаси-оддий нақд бўлмаган акциялар-устав фонда улуши 35,25%

2. «Ўзбекистон почтаси» ДАК-оддий нақд бўлмаган акциялар-устав фонди улуши - 39,75%

Жисмоний шахслар

Кузатув кенгаши аъзолари

1. Ю.Р. Мухчи - «Ўзбекистон почтаси» ДАК-акцияси йўқ

2. Р.Э. Зиқиров - «Ўзбекистон почтаси» ДАК-акцияси йўқ

3. А.Ҳ. Хидиров - «Ўзбекистон почтаси» ДАК-акцияси йўқ

4. Н.И. Мищенко - акциядор - 0,04%-оддий акциялар ва нақд акциялар

5. Ф.Х. Ходжаев - Алоқабанк - акцияси йўқ

6. К.Т. Тулебаев - «Халқаро почта» АЖ директори - акцияси йўқ.

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Спорт

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Анджон шахрида 1984-1986 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича Республика чемпиони бахслари бўлиб ўтди.

Албатта, шахримизда юнон-рум кураши ривожланганиги сабабли кўплаб вакилларимиз чемпионатда муносиб иштирок этиб, қатор медаллар шодасини кўлга киритишди.

Жумладан, 50 килограммгача бўлган вазнда ҳамшахримиз Элдор Хафизовга иккинчи ўрин насиб этган бўлса, 60 килограммгача бўлган кейинги вазнда Хайрулла Абдуллаев бронза нишонининг соҳибига айланди.

66 килограммлик баҳсида ҳам, 74 килограммлик ёш полвонлар ўртасида ҳам Валижон Жонхўрозов ва Шухрат Худойкуловлар хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди. 74 килограммгача вазнда яна бир ҳамшахримиз Сарвар Зулбих учинчи ўринни кўлга киритди.

96 килограммгача курашчилар баҳсида Акбар Жўраев барча рақиблирини кетма-кет ёнган ҳолда олтин медал соҳиби бўлди. Шунингдек, Сухбат Ҳожиёв (120 килограммгача вазн) кумуш, Абдумалик Алиев (84 килограммгача вазн) бронза медалларига эга бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар медаллар, қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

ЧЕМПИОНГА МАХСУС КУБОК

Шу йилнинг апрель-ноябрь ойларида шахар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, шахар футбол федерацияси ва бошқа ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида футбол бўйича шахар клублараро чемпионати ташкил этилади.

Ушбу турнир 14 та жамоа иштирокида 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ва 11-13 ёшгача болалар ўртасида ўтказилади. Мазкур мусобақада бошқа ташкилотлар билан бир қаторда шахар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси томонидан «Энг яхши ҳакам» йўналиши бўйича махсус мукофот топширилади. Унда йилнинг ўн та яхши ҳакамлари аниқланади ҳамда махсус совринлар билан тақдирланади. Шахар чемпионатининг ғолиб жамоасига махсус Кубок, футболчиларга 1 даражали диплом ва Фахрий ёрлиқлар топширилиши кўзда тутилган.

(Ўз мухбиримиз)

Шахмат

ТАФАККУР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Мана, салкам икки минг йилдирки, жаҳон халқлари тафаккурининг ажралмас бир қисми ҳисобланувчи шахмат давр синовларига бардош бериб, тобора сайқаланиб бормоқда. Жаҳон маданияти хазиначисига маълум даражада ҳисса қўшмоқда.

Кўпгина мамлакатларнинг йирик кутубхоналари ва музейларида шахмат санъатига оид асарлар — қадимий кўлёмалар, босма китоблар ва бошқа материаллар сақланиб келаётганлиги, қомусий лўғатларда шахматга ва забардаст шахматчиларга махсус саҳифалар ажратилиши ҳам шу боисдандир. Кейинги 70 йил мобайнида шахмат маданияти тарихи ва амалиётига бағишланган жуда кўп асарлар яратилдики, улар сони ва мазмуни жиҳатидан илм-фаннинг кўпгина соҳаларига оид асарлар билан рақобат қила олади. Маълумки, шахмат атамалари кўп жиҳатлари билан ўзгарди, бойиди, тақомиллашди, эскилари ўрнини янгилари эгаллади. Қадимги шатранж салкам минг йил умр кўргач, ўз ўрнини Европа шахматига бўшатиб берди, ўйин қоидалари, доналарнинг кучи — кураш мазмуни ўзгарди. Бинобарин, янги хусусиятлар туфайли шахмат атамалари каттагина ҳажмда бойиди. Бироқ нодир шахмат рисолаларининг асосан араб, форс тилларида ёзилганлиги ўзбек тилида битилган шахматга оид китоблар XIX аср ярмигача бўлмаганлиги масалани қийинлаштирди. Шундай бўлса ҳам тарих ўз исботини қилиб турибди. Шахматнинг дастлабки кўриниши Хиндистонда пайдо бўлиб, кейин бошқа ўлкаларга ёйилган, лекин ҳамма жойда бир хил ривожлана олмаган. Бунга ўша ўлкалардаги тарихий воқеалар, халқнинг маданий савияси, миллий хусусиятлар ҳамда турмуш шароитлари таъсир кўрсатган, албатта. Баъзи халқлар шахматни қабул қилган, унинг доналарини ўзлари учун қулай шаклга киритган, бошқалар эса шахматнинг

қадимий, асл маъносига пугур етказмасликка ҳаракат қилган. Урта Осиёда шахмат доналарининг азалий номлари деярли ўзгармаган. Эрон, Озарбойжон халқларида шахмат доналарининг номларида жуда кам фарқ юз берганлиги бу ўлкаларда шахматнинг тахминан бир вақтда пайдо бўлганлиги билан боғлиқдир. Буни мумтоз адабиётларда ҳам кўриш мумкин. Ҳозиргача ишлатиб келинган ва ишлатилаётган атамалар орасида «шахмат» сингари «шоҳруҳ», «Шоҳ фарзин», «руҳ», «фарзин», «пиёда» «кишти қойим» ва бошқа сўзлар ҳам борки, улар ўз тарихига эга бўлиб, асосий шахмат атамалари ҳисобланади.


Ғапимизнинг исботи сифатида қадимий ўзбек шахмат атамаларининг баъзиларидан намуна келтирсек. «Шахмат» турли сўزلардан ташкил топган бўлиб, улар ўйиннинг асосий моҳиятини ифода этади, «шоҳ» сўзи форс, тожик, озарбойжон, туркман, ўзбек, ҳинд тилларида подшоҳ, ҳукмдор деган маънони билдиради, мот эса озарбойжон, ўзбек ва бошқа тилларда ўлди маъносига эмас, балки умидсиз вазиятга тушиб, ҳайронлик, кўмаксиз қолиш, енгилли, мағлуб бўлиш каби маъноларда ишлатилади. Бу шахмат ўйинининг мазмунига мос ке-

лади. «Шоҳ мот бўлди», дейилсада, аслида шох ўлмади, яъни бошқа доналар — сипоҳлар каби тахтадан мот ташланмайди, балки унинг ҳамма йўллари тўсилиб, у ҳибсга олинади. Мот қилинади. Араб тарихчиси Равандий ҳам «мот» сўзини «ўлмоқ» маъносига ишлатмаган. Равандий шахмат шоҳининг қочадиган жойи қолмаса, у мот бўлади, дейди. Буюк Шероий ҳам шу фикрни қувватлайди ва «мот» шатранжбозлар ишлатадиган сўздир деб, унинг шахмат ўйинига оидлигини таъкидлайди.

Фирдавсий, Низомий, Жомий, Навоий асарларида ҳам худди шундай.

Ўзбекистонда шахмат ўйини дастлаб шатранж деб аталарди. «Шатранж» аслида ҳинд тилидаги «чатуранга» сўздан келиб чиққан. Санскрит тилида «чатур» — тўрт, «анга» — таркиби маъноларини билдиради. Шахмат илк даврда ижод этилганда чатуранга деб аталган, кейинчалик Урта Осиё, Эрон, Озарбойжон ва араб мамлакатларига ёйилган, чатуранга шатранж ва ниҳоят шатранж деб талаффуз этила бошлаган. Мумтоз адабиётимизда шатранж сўзи кўп учрайди. Уни шахмат ўйини, дунё, фалак, жанг майдони, ишқ майдони, ҳаёт муҳорибаси ва шунга ўхшаш маъноларда ишлатишган.

Анвар ИНОКОВ, шахмат шарҳловчиси.



Маҳоратингизни синаб кўринг
1) Оқлар бошқаб икки юришда мот қилиди.
2) Иккинчи масалада ҳам худди шу: муаммо икки юришда мот!

«УНИВЕРСИАДА-2004» ДАВОМ ЭТАДИ

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилаётган «Универсиада-2004» спорт мусобақалари шахар босқичининг якунлари бўйича кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шахар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раҳбарияти, Тошкент шахрида жойлашган олий ўқув юртлари жисмоний тарбия кафедралари, спорт мурраббийлари ва спорт федерацияларидан вакиллар иштирок этишди. Йиғилишда «Универсиада-2004» спорт ўйинлари шахар босқичи натижалари, йўл қўйилган хато ва камчиликларга алоҳида урғу берилди ва улар атрофлича таҳлил қилинди.

Маълумки, Тошкент шахрида жорий йилнинг январь-апрель ойларида спортнинг 12 та тури бўйича «Универсиада-2004» спорт ўйинлари I ва II-босқич мусобақалари юқори савияга ўтказилди. Унда шахримизда жойлашган 28 та олий ўқув юртларидан 5000 тадан ортқ талабалар иштирок этишди. Мусобақаларда ғолиб ва совриндорларга Тошкент шахар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Камолот» ЕИҲ ва бошқа бир қанча ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совринлар, эсдалик совғалари, диплом ва Фахрий ёрлиқлар топширилди. Ғолиб жамоалар «Универсиада-2004» ўйинлари Республика босқичи йўлланмасини кўлга киритишди. Бу йилги мусобақаларнинг натижаси шуну кўрсатадики, олдинги йилларда ўтказилган мусобақаларда кўпроқ Давлат жисмоний тарбия институтидан талабалар юқори ўринларга сазовор бўлишган, аммо бу сафар барча институт талабалари бирдек имкониятларга эга эканликларини намойиш

этишди. Айниқса, Ўзбекистон Миллий университети, иқтисодиёт университети жамоаларининг эришган ютуқлари бунга ақлол мисол бўла олиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, спорт турларининг оммавийлиги йил сайин ошиб бормоқда. Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шахар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Алишер Ҳамроқулов Тошкент шахри пойтахт сифатида бошқа вилоятлардан имкониятлари жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этиши, шу боисдан шахар терма жамоасининг Самарқанд шахрида ўтказилаётган «Универсиада-2004» финал босқичи мусобақаларига юқори даражада тайёргарлик қириш, тўлиқ таркибда иштирок этиш чора-тадбирлари кўрилиши кераклиги ҳамда сарф-ҳаражатлар, ҳомийлик ёрдами манбалари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди. Финал босқичи мусобақаларида ҳар бир спорт тури бўйича 2 тадан мураббий катнашадиган бўлди.

(Ўз мухбиримиз)



Ўқув тасқатларида

ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Чилонзор туманидаги 168-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Андрей Глазков 32 йилдан бери ушбу даргоҳда болақонларга сабоқ бериб келади.

168-мактабдан енгил атлетика бўйича мамлакат чемпиони Даниил Попов, сув тўғи бўйича қатор олтин нишонлар соҳиби Эркин Шигаев каби етакчи спортчиларнинг етишиб чиққанлиги ҳам жисмоний тарбия ишлари яхши йўлга қўйилгани, машгулотлар жонли ўтишидан далолат беради.

Дарҳақиқат, мактабда бўлганмишда жисмоний тарбия дарслари қизиқарли ўйинлар шаклида, ўқувчиларнинг ўз кучлари, чаққонликларини намён этишлари ва чиниқлишлари йўналтирилган ҳолда ўтказилаётганининг гувоҳи бўлдик. Спорт турларидан эса асосан баскетбол, волейбол ва енгил атлетикага кўпроқ урғу берилди.

Шуну таъкидлаш керакки, ўтган йили навбатдаги ўқув йили бошланишига мактабда спорт зали ва спорт майдончаларига эга янги бино фойдаланишига топширилди. Ҳозирда ҳар хил анжомлар ўрнатилган спорт майдончаларида қизиқарли машгулотлар бошланиб кетди.

Дамир ИСМАТОВ

СУРАТДА: жисмоний тарбия ўқитувчиси Андрей Глазков спорт майдончасида юқори синф ўқувчиларига сабоқ бермоқда.

Алексей Попов олган сурат.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет уссули босилади. 4409 нусхада босилади. Қўғи бини А-3

Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот босқичида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шар» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.